6 (610)-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИ ХУЗУРИДАГИ ЕР ҚАЪРИНИ ГЕОЛОГИК ЎРГАНИШ, САНОАТДА, КОНЧИЛИКДА ВА КОММУНАЛ-МАИШИЙ СЕКТОРДА ИШЛАРНИНГ БЕХАТАР ОЛИБ БОРИЛИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ БУЙРУГИ

69 Хавфли ишлаб чиқариш объектларидаги аварияларни техник жиҳатдан текшириш тартиби тўгрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 3 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2558

Ўзбекистон Республикасининг «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўгрисида» ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2006 й., 39-сон, 386-модда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 11 майдаги 131-сонли «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси тузилмасини янада такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўгрисида» ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 19-сон, 191-модда) мувофик буюраман:

- 1. Хавфли ишлаб чиқариш объектларидаги аварияларни техник жиҳатдан текшириш тартиби тӱгрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
- 2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Бошлик Б. ГУЛЯМОВ

Тошкент ш., 2014 йил 9 январь, 5-сон



6 (610)-сон — 15 — 69-модда

Хавфли ишлаб чиқариш объектларидаги аварияларни техник жиҳатдан текшириш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўгрисида» ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами, 2006 й., 39-сон, 386-модда) хамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2011 йил 11 майдаги 131-сонли «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Ер каърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси тузилмасини янада такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўгрисида» ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2011 й., 19-сон, 191-модда) мувофик, хавфли ишлаб чиқариш объектларида аварияларни техник жихатдан текшириш тартибини белгилайди.

I боб. Умумий коидалар

- 1. Хавфли ишлаб чиқариш объектларидаги иншоотлар ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш объектларида қулланиладиган техника қурилмаларининг бузилиши, назорат қилиб булмайдиган портлаш ва (ёки) хавфли моддалар ажралиб чиқиши билан боғлиқ авариялар техник жиҳатдан текширилиши шарт.
- 2. Аварияни техник жиҳатдан текшириш унинг юзага келиш сабабларини аниқлаш, етказилган зарар миқдорини ҳисоблаш, авария оқибатларини бартараф этиш ҳамда бошқа ташкилотларда шунга ўхшаш авариялар юз беришининг олдини олиш мақсадида ўтказилади.
- 3. Хавфли ишлаб чиқариш объектларида авария юз берган тақдирда, ундан фойдаланувчи ташкилот:

хавфли ишлаб чиқариш объектидан фойдаланишни тухтатиб туриши; техник жиҳатдан текшириш бошлангунга қадар авария юз берган жойдаги дастлабки ҳолатни сақлаб туриши;

авария сабабларини техник жиҳатдан текширишда иштирок этиши, аварияга олиб келган сабабларни бартараф этиш ва уларнинг олдини олиш чораларини кÿриши;

«Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси ва унинг минтакавий



69-модда

инспекцияларини, саноат хавфсизлиги сохасида айрим ваколатларга эга булган бошқа давлат органларини (Фавкулодда вазиятлар вазирлигининг худудий бошқармалари, қутқарув хизматлари ва бошқалар), махаллий давлат ҳокимияти органларини, шунингдек фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва аҳолини хавфли ишлаб чиқариш объектидаги авария тўгрисида ўз вақтида белгиланган тартибда хабардор қилиши;

хавфли ишлаб чиқариш объектлари ходимларининг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш чораларини куриши;

хавфли ишлаб чиқариш объектидаги авариянинг кенгайиб кетишига йўл кўймаслик ва унинг оқибатларини тугатиш тадбирларини режалаштириши хамда амалга ошириши;

хавфли ишлаб чиқариш объектида авария эхтимолини назарда тутган холда кузатиш, хабар қилиш, алоқа ва ҳаракатларга кумаклашиш тизимларини ташкил этиши, шунингдек мазкур тизимларни яроқли ҳолатда сақлаб туриши;

хавфли ишлаб чиқариш объектларидаги авариялар ҳисобини олиб бориши шарт.

4. Авария тўгрисидаги тезкор хабарда қуйидаги маълумотлар кўрсатилици лозим.

хавфли ишлаб чиқариш объектларида авария юз берган ташкилотнинг ташкилий-хуқуқий шакли курсатилган тулиқ номи ва жойлашган ери (почта манзили);

авария юз берган сана, вақт ва жой;

авариянинг қисқача тафсилоти.

Авария тўгрисидаги тезкор хабар ташкилот рахбари томонидан имзоланади.

5. Хавфли ишлаб чиқариш объектидаги авария сабабларини техник жиҳатдан текшириш харажатларини молиялаштириш хавфли ишлаб чиқариш объектидан фойдаланувчи ташкилот томонидан амалга оширилади.


II боб. Аварияни техник жихатдан текширишни ташкил этиш

- 6. Хавфли ишлаб чиқариш объектидаги авария сабабларини техник жиҳатдан текшириш «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғининг буйруғи билан ташкил этиладиган ва давлат инспекцияси вакили бошчилик қиладиган Хавфли ишлаб чиқариш объектидаги авария сабабларини техник жиҳатдан текширувчи комиссия (бундан буён матнда Комиссия деб юритилади) томонидан амалга оширилади.
 - 7. Комиссия таркибига қуйидагилар киритилади:

худудида хавфли ишлаб чиқариш объекти жойлашган маҳаллий давлат ҳокимияти органи вакили;

хавфли ишлаб чиқариш объектидан фойдаланувчи ташкилот вакили;

хавфли ишлаб чиқариш объектидан фойдаланувчи ташкилотнинг касаба уюшмаси раиси (агар мавжуд булса);





6 (610)-сон — 17 — 69-модда

авария юз берган хавфли ишлаб чиқариш объектидан фойдаланувчи ташкилотнинг юқори турувчи органи вакили (агар мавжуд булса).

- 8. Комиссия текширувга саноат хавфсизлиги, қидирув, лойиҳалаш, илмий-тадқиқот ишлари, суғурта, ускуналарни тайёрлаш соҳасидаги ва бошқа соҳалардаги эксперт ташкилотлари, экспертлар ва мутахассисларни жалб этиши мумкин.
- 9. Авария натижасида содир бўлган бахтсиз ходисалар Вазирлар Махкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Хукумати қарорларининг тўплами, 1997 й., 6-сон, 21-модда) билан тасдиқланган Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва хисобга олиш тўгрисидаги низомга асосан текширилади.
- 10. Аварияни техник жиҳатдан текшириш муддати 15 кундан ошмаслиги лозим. Юз берган аварияни қушимча равишда урганиш талаб этилган ҳолларда, техник жиҳатдан текшириш муддати Комиссия раисининг асослантирилган ёзма мурожаатига асосан «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғи томонидан текшириш муддати қушимча равишда 15 кунгача узайтирилиши мумкин.
 - 11. Комиссия томонидан аварияни техник жихатдан текширишда:

авария юз берган хавфли ишлаб чиқариш объекти куздан кечирилади, бунда куздан кечириш натижалари юзасидан баённома тузилади, объектнинг чизмаси чизилади, объект суратга олинади, зарур холларда, видеотасвирга туширилади;

юз берган авариядан жабрланганлар, жарохат олганлар, гувохлар ва хавфли ишлаб чикариш объектидан фойдаланувчи ташкилотнинг мансабдор шахслари билан сўров ўтказилади ва улардан ёзма равишда тушунтириш олинади;

жалб қилинган эксперт ва мутахассисларнинг авариянинг юз бериш сабаблари буйича ёзма хулосалари олинади;

тегишли қутқарув хизматининг хулосаси олинади;

технологик жараёнларнинг бузилиш сабаблари хамда хавфли ишлаб чиқариш объектида қулланиладиган техника қурилмаларини эксплуатация қилиш шароитлари аниқланади;

ишлаб чиқариш назорати фаолияти тахлил қилинади;

авариянинг юз беришига йул қуйган ходимлар аниқланади;

хавфли ишлаб чиқариш объектидаги технологик жараёнларнинг лойихавий ечимларга ҳамда уларга киритилган ўзгартиришларга мувофиклиги ўрганилади;

хавфли ишлаб чиқариш объектида қулланиладиган техника қурилмаларининг турри қулланилиши урганилади;

ходимларнинг мутахассислиги ва малакаси уларнинг эгаллаб турган лавозимига мувофиклиги ўрганилади;

хавфли ишлаб чиқариш объектида авария юз берган ҳолда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар



етказганлик учун жавобгарликнинг мажбурий суғурта қилинганлиги ўрганилали:

хавфли ишлаб чиқариш объектида авария натижасида етказилган тахминий зарар ўрганилади.

- 12. Авариянинг юз бериш сабаблари ва холатларини ўрганиш натижалари бўйича Комиссия томонидан авария ривожланиш сценарийси акс эттирилган маълумотнома тузилади. Бунда мазкур маълумотномада юз берган аварияни бартараф этиш ва бундай аварияларнинг такроран юз беришининг олдини олиш бўйича тавсиялар берилади.
- 13. Хавфли ишлаб чиқариш объектидан фойдаланувчи ташкилотнинг мансабдор шахслари авария юзасидан зарур булган барча хужжатлар ва маълумотларни Комиссияга тақдим этиши шарт. Бунда суралган хужжатлар асл нусхада Комиссияга тақдим этилиши лозим. Зарур ҳолларда, Комиссия томонидан ҳужжатлардан нусха олиниши мумкин. Тақдим қилинган ҳужжатлардаги ёзувларни учириш ва унга тузатишлар киритиш тақиқланади.
- 14. Юз берган авария оқибатида етказилган иқтисодий зарар хавфли ишлаб чиқариш объектидан фойдаланувчи ташкилот томонидан хисоблаб чиқилади ва ташкилот рахбари ва бош бухгалтери (бухгалтери) томонидан тасдиқланади.

III боб. Аварияларни техник жихатдан текшириш натижаларини расмийлаштириш

- 15. Хавфли ишлаб чиқариш объектида юз берган аварияни техник жи- қатдан текшириш натижалари далолатнома билан расмийлаштирилади.
 - 16. Мазкур далолатномада қуйидаги маълумотлар курсатилиши шарт: далолатнома тузилган сана ва жой номи;

авария юз берган хавфли ишлаб чиқариш объектидан фойдаланувчи ташкилотнинг ташкилий-хуқуқий шакли курсатилган тулиқ номи, жойлаш-ган ери (почта манзили), телефон ва факс рақамлари;

ташкилот рахбарининг фамилияси, исми, отасининг исми, паспорти серияси ва рақами, доимий яшаш жойи манзили;

Комиссия раиси ва аъзоларининг фамилияси, исми, отасининг исми хамда лавозимлари:

авария юз берган хавфли ишлаб чиқариш объектининг умумий тавсифи; авариянинг юз беришининг техник ва ташкилий сабаблари;

авариянинг юз беришида айбдор булган шахслар ҳақидаги маълумотлар;

юз берган аварияни бартараф этиш ва бундай аварияларнинг такроран юз беришининг олдини олиш буйича тавсиялар;

аварияни техник жиҳатдан текшириш давомида аниқланган бошқа муҳим маълумотлар.

17. Аварияни техник жиҳатдан текшириш натижалари буйича тузилган далолатнома Комиссиянинг барча аъзолари томонидан имзоланади. Далолат-



номани имзолашдан бош тортган Комиссия аъзоси ўз фикрини ёзма равишда такдим қилиши лозим. Бунда Комиссия аъзосининг ёзма равишда такдим қилган фикри далолатномага илова қилинади.

18. Аварияни техник жихатдан текшириш буйича расмийлаштирилган хужжатлар алохида йигмажилдда кетма-кетликда акс эттирилади. Мазкур хужжатлар алохида йигмажилдда қуйидаги тартибда жойлаштирилади:

Комиссия таркибини тасдиқлаш тўгрисидаги буйруқ;

авариянинг юз бериш сабаблари ва холатларини ўрганиш юзасидан тузилган баённомалар, чизмалар ва уларга илова қилинган материаллар;

юз берган авариядан жабрланганлар, жарохат олганлар, гувохлар ва хавфли ишлаб чиқариш объектидан фойдаланувчи ташкилот мансабдор шахслари томонидан берилган ёзма тушунтиришлар;

Комиссия раисининг эксперт ва мутахассисларни жалб этиш тўгрисидаги қарорлари (агар мавжуд бўлса);

жалб қилинган эксперт ва мутахассисларнинг юз берган авария буйича ёзма хулосалари (агар мавжуд булса);

тегишли қутқарув хизматининг хулосаси;

технологик жараёнларнинг бузилиш сабаблари ҳамда ҳавфли ишлаб чиқариш объектида қўлланиладиган техника қурилмаларини эксплуатация қилиш шароитларини ўрганиш натижалари бўйича расмийлаштирилган ҳужжатлар;

ишлаб чиқариш назорати фаолиятининг ёзма тахлили;

авариянинг юз беришига йўл қўйган ходимлар ҳамда уларнинг мутахассислиги ва малакаси тўгрисидаги маълумотлар;

хавфли ишлаб чиқариш объектидаги технологик жараёнларнинг лойиҳавий ечимларга ҳамда уларга киритилган ўзгартиришларга мувофиклиги ўрганиш натижалари бўйича расмийлаштирилган ҳужжатлар;

хавфли ишлаб чиқариш объектида авария юз берган ҳолда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказганлик учун жавобгарликнинг мажбурий суғурта қилинганлигини тасдиқловчи суғурта полиси нусҳалари;

авария натижасида етказилган тахминий зарар акс эттирилган хужжатлар;

бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказганлик учун фуҳаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта ҳилиш шартномаси нусҳаси;

саноат хавфсизлиги тўгрисидаги қонун хужжатлари талаблари бузилган бўлса, улар ҳақидаги маълумотлар;

аварияни техник жиҳатдан текшириш давомида расмийлаштирилган бошқа ҳужжатлар;

аварияни техник жихатдан текшириш далолатномаси.

- 19. Аварияни техник жихатдан текшириш далолатномаси Комиссия аъзоларининг хар бирига такдим этилади.
- 20. Аварияни техник жиҳатдан текшириш якунлангандан сунг, хавфли ишлаб чиҳариш объектидан фойдаланувчи ташкилот раҳбари томонидан уч



69-модда

иш куни ичида Комиссия хулосасига асосан юз берган авария оқибатларини бартараф этиш буйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланади хамда авариянинг юзага келишида айбдор булган ходимларни интизомий жавобгарликка тортиш буйича буйруқ чиқарилади. Бунда тасдиқланган чора-тадбирлар режаси ва буйруқнинг нусхаси уч кун ичида Комиссия раисига тақдим қилинади.

- 21. Хавфли ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланувчи ташкилот томонидан юз берган ҳар бир авария мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ шаклдаги журналда ҳисобга олиниши ҳамда юз берган авариялар сабаблари таҳлил қилиниши шарт.
- 22. Юз берган аварияларни хисобга олиш журнали рақамланган, ип ўтказиб тикилган ва ташкилот рахбари томонидан имзоланиб, мухрланган бўлиши лозим.
- 23. Мазкур журнал ташкилот рахбари томонидан тайинланган масъул шахс томонидан юритилади.

IV боб. Якуний қоида

24. Мазкур Низом Ўзбекистон Давлат архитектура ва қурилиш қумитаси, Табиатни мухофаза қилиш давлат қумитаси, Ички ишлар вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, «Ўздавэнергоназорат» давлат инспекцияси, «Ўздавтемирйулназорат» давлат инспекцияси, «Ўзбекэнерго» ДАК, «Ўзкимёсаноат» ДАК, «Навоий кон-металлургия комбинати» ДК, «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» ОАЖ, «Ўзбекнефтегаз» МХК ва «Ўзқурилишматериаллари» АК билан келишилган.

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси

Б. ЗАКИРОВ

2014 йил 7 январь

Табиатни мухофаза қилиш давлат қўмитаси раиси

Б. АБДУСАМАТОВ

2014 йил 6 январь

Ички ишлар вазири

Б. МАТЛЮБОВ

2013 йил 11 декабрь

Мехнат ва ахолини ижтимоий мухофаза килиш вазири

A. XAUTOB

2013 йил 18 декабрь



— 21 — 6 (610)-сон 69-модда

Фавқулодда вазиятлар вазири

Т. ХУДАЙБЕРГЕНОВ

2013 йил 10 декабрь

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси

Т. НАРБАЕВА

2013 йил 20 декабрь

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси

А. ШАЙХОВ

2014 йил 2 январь

«Ўздавэнергоназорат» давлат инспекцияси бошлиғи

А. НИМАТУЛЛАЕВ

2013 йил 24 декабрь

«Ўздавтемирйўлназорат» давлат инспекцияси бошлиғи

Р. ИКРАМОВ

2013 йил 30 декабрь

«Ўзбекэнерго» ДАК бошқаруви раиси

И. БАСИДОВ

2013 йил 27 декабрь

«Ўзкимёсаноат» ДАК бошқаруви раиси

X. IIIEPMATOB

2013 йил 25 декабрь

«Навоий кон-металлургия комбинати» ДК Бош директори

К. САНАҚУЛОВ

2013 йил 23 декабрь

«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» ОАЖ Бош директори А. ФАРМАНОВ

2013 йил 16 декабрь

Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2014 й.



69-модда — 22 — 6 (610)-сон

«Ўзбекнефтегаз» МХК бошқаруви раиси

Ш. ФАЙЗУЛЛАЕВ

2013 йил 13 декабрь

«Ўзқурилишматериаллари» АК бошқаруви раиси

Э. AKPAMOB

2013 йил 18 декабрь

Хавфли ишлаб чиқариш объектларидаги аварияларни техник жихатдан текшириш ва хисобга олиш тартиби тўгрисидаги низомга ИЛОВА

Юз берган аварияларни хисобга олиш ЖУРНАЛИ

T/p	Ташкилот номи, ташкилий- хукуқий шакли	Хавфли ишлаб чиқариш объектининг тури	Авария юз берган вақт ва сана	Авариянинг қисқача тавсифи	Авариядан кўрилган иқтисодий зарар (сўм)	Хавфли ишлаб чиқариш объектидан фойдаланиш тўхтатиб турилган вақт (соат, сутка)	Авариянинг юз беришида айбдор бўлган ходимлар ва уларга нисбатан қўлланилган интизомий жазо	Комиссия хулосасига асосан юз берган авария оқибатларини бартараф этиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар	Чора-тадбирлар режасининг бажарилиши тўгрисида маълумотлар
	1	2	3	4	5	6	7	8	9